

Хуфтида ШИХРАТИ қизи

ОРЗУЛАРИМ ЧЕЧАГИ

ШЕЪРЛАР



“Бухоро” нашриёти-2005 йил.

ШЕЪРИЯТ ДУНЁСИГА ЙЎЛ

Мафтункор бадиий ижод дунёси кимларни ўзининг гўзал ва бетакрор жилваси билан қайноқ бағрига чорламаган дейсиз. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ўзининг сермазмун шеърларидан бирида таъкидлаганидек, шеърият улкан уммонга ўхшайди. Навқирон, тошқин қалбли инсон уммонга бирин-кетин катта-кичик тошлар, яъни шеърларидан ота бошлайди. Ҳар отганда жилвагар мавжлар уни ўзига мафтун этади. У яна ва яна тошларни ота бошлайди. Тўлқинлар уни аста-секин бағрига ола бошлайдилар. Энди бу навқирон қалб уммонда суза билиши керак. Шунда шоир шеърга хулоса ясайди, ёш ижодкор келажагини башорат қилади:

Сузар бўлса, иқболга ёр у,
Чўқар бўлса, фидодир бир жон.

Хуршида Шухрат қизи шеъриятнинг сирли дунёсига ўзининг жазибали сўзи билан кириш учун йўл излаётган иқтидорли қизларимиздан биридир. У тинимсиз изланишлар натижасида қаламини чархлаб боряпти, шеърдан шеърга ўсиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Энг муҳими, устозлар ўғити асосида изланишларни давом эттиришда зринмаяпти.

Ижодкор қизимиз қалбида айтар сўзи, яъни дардли туйғу бор. Шу боисдан деярли ҳар бир шеърида салмақли фикр қад ростлаб туради.


Ишқни шароб қилиб ичгим келади,
Маломат бошимни қор-ла белади,
Илҳом шамоли ҳам майин елади,
Азизлар, бу менинг тақдирим экан,

деб ёзади Хуршида "Тақдирим" шеърида. Ишқни шароб қилиб ичган қалбда туғён туғилади, маломат бошини қор-ла беласа, дард билан туғён бирлашади. Шунда илҳом шамоли гоҳ майин елса, гоҳ бўронга айланади. Хуршида бу жараёнини ўз тақдирим деб бонг ураяпти.

Тўғри, қўлингиздаги тўпلامда қиёмига өтмаган шеърлар, ғализ мисралар мавжуд. Бу шеърият дунёсига йўл излаётган ёш қаламкашнинг қусурларидир. Йиллар давомида Хуршида бу қусурларни тузатиб боради. Биз унга омад тилаймиз. Қалбини илҳом туғёни тарк этмасин!

Бахшулла РАЖАБ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзаси,
"Меҳнат шухрати" ордени соҳиби.




W 31811
091



ОРЗУЛАРИМ

Умримнинг баҳорин ўйнаб ўтказдим,
Ҳаётда гоҳ ютдим, гоҳ ютқаздим.
Гоҳида омадни қўлдан кетказдим,
Пушаймон кўнглимни тирнади ёмон,
Пушаймон жомидан ютдим лахта қон.

Энди-чи, орзу-ла ёнади юрак,
Умримни шеърият порлоқ қилажак.
Самодан овозим қайтиб келажак,
Бағримни тарк этиб мижғов пушаймон,
Орзулар қуёши ёнар чароғон.



ЮРАК

Ғийбат, тухматлардан бегона юрак,
Бахтим баҳоридан берасан дарак.
Ненидир кутасан интиқ, интизор,
Айт, сенга не керак, яшашдан бўлак?!

Соғинган кунингга етолмадинг сен,
Ҳатто кўнгил узиб кетолмадинг сен.
Бунчалар ўзингни қийнайсан, юрак,
Нечун бағрингдагин битолмадинг сен?!

Сен йиғласанг, айт, мен қандайин кулай?
Илк севгим гулини қандайин юлай?
Илоҳий уммондан жилға юрагим,
Фалақда балқиган куёшинг бўлай!

Сен эдинг тўпори, ўйноқи, шаддод,
Ҳаттоки шаштингдан йиғларди жаллод.
Энди-чи, самога сарчашма юрак,
Куйингдан титроққа тушсин коинот!






ҚАЛБ КЎЗИ

Қуёшга тош отма, куйиб қоласан,
Ишқ қушин баногоҳ суйиб қоласан.
Тинчгина бошингга ғавғо соласан,
Бир зумга қалб кўзин очгин, одамзот.

Йиғлама, кўзингдан чиқмайди ёшинг,
Ҳижрон азобига етмас бардошинг.
Гуриллаб ёнгуси қисмат қуёшинг,
Бир зумга қалб кўзин очгин, одамзот.

Севгига беписанд боқмагин зинҳор,
Оқарган сочинг ҳам бўлар бир кун дор,
Хор қилган бахтингга бўлиб қолгунг зор,
Бир зумга қалб кўзин очгин, одамзот.





ТАҚДИРИМ

Ишқни шароб қилиб ичгим келади,
Маломат бошимни қор-ла белади.
Илҳом шамоли ҳам майин елади,
Азизлар, бу менинг тақдирим экан.

Баъзида дунё ҳам тор бўлиб қолар,
Инсонни худойим не куйга солар.
Бахт излаб чиққан ҳам йўлида толар,
Азизлар, бу менинг тақдирим экан.

Бу йўллар биз учун синов йўллари,
Баъзан калта бўлар иқбол қўллари.
Карвонлари ҳорғин, чексиз чўллари...
Азизлар, бу менинг тақдирим экан.



ОШИҚОНА ХАЁЛ

Ерим мени оловларга ташлади,
Ўз толеим кўзларимни ёшлади.
Тақдир, билмам, қай йўлларга бошлади,
Мажнунтолга ошиқ эрур хаёлим.

Ой бўлиб, самоларда тўлгим келар,
Гар тўлмасам, гуллар каби сўлгим келар.
Юракдаги ҳасрат ила ўлгим келар,
Ёр, висолга ошиқ эрур хаёлим.

Ширин хотиралар ҳам бўлдилар ағёр,
Дилимдаги дардим охир бўлди алёр.
Битган байтларимда дардларим ошкор,
Ойжамолга ошиқ эрур хаёлим.

Шоирадир, девонамас Хуршиданг,
Мангуликка умрим сенинг бахшиданг.
Оллоҳ, бу қандай бахтли, сурурли банданг,
Фақат сенга ошиқ эрур хаёлим.



ОНАЖОНГИНАМ

Тубсиз жарликларга чўккан дамларим,
Дилни хаста қилар алам-ғамларим.
Юзимни юваркан кўзда намларим,
Суянган тоғимдир онажонгинам.

Юраги бемор деб чертиб ўтсалар,
Йиқилган чоғимда тепиб ўтсалар.
Чангимда юрганлар ўзиб кетсалар,
Суянган тоғимдир онажонгинам.

Тўкилган киприкка жонингиз куйди,
Айтинг, не мавжудот онадек суйди?!
Фарзандлар камолин юракка туйди,
Суянган тоғимдир онажонгинам!



ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Бу дунёда ҳатто алам йиғлайди,
Доғ бўлмаган юракларни тиглайди.
Ёмонни ҳам баъзан ҳаёт сийлайди,
Бахтга ошно инсон, ҳаёт йўллари.

Оллоҳ кўкни юлдузларга тўлдирар,
Ёмонлар-чи, умидларим сўлдирар.
Рухим қолиб, жисму жоним ўлдирар,
Бахтга ошно инсон, ҳаёт йўллари...





ИСТАК

Кўзларим фалақда, ғазаллар битиб,
Яшайман дунёнинг тинчлигин кутиб.
Юргайман эл-юртим ғамларин ютиб,
Истагим: дилимда армон қолмасин.

О, қани бир зум ёшлигим қайтса,
Оташин севгисин такрорлаб айтса.
Мадҳига битсам мен умрбоқий байт,
Истагим: дилимда армон қолмасин.



ДАРД

Такдир сўқмоғидан тополганда йўл,
Ғийбатлар бошидан қуявердим дўл.
Дард-алам дилимга солганда соя,
Орзуйим бахт қушин этди ҳимоя.

Аслида умрим-ку ёнаётган шам,
Ҳаёт қийноғидан кўзларимда нам.
Айбимни тўнкардим дил асрорига,
Шеърларим осиклик армон дорига.

Бахт қуши баногоҳ учди бошимдан,
Ҳаловат топмадим ҳалол ошимдан.
“Дард” дея атадим армон-гардимни,
Шеърга айлангирдим юрак дардимни.





БУ КҮНГИЛ

Қалбимни титратар чиқмаган жоним,
Жисмимни қақшатар томирда қоним.
Борим адо бўлар, куюр забоним,
Кўзлари қарони қўмсар бу кўнгил.

Баъзида қон йиғлар қоп-қора кўзлар,
Юракни поралар аёвсиз сўзлар.
Орзулар нахотки етимдек бўзлар,
Ўзидай танҳони қўмсар бу кўнгил.

Таъна тошларини кўнглимга отманг,
Пинҳона сирларим ёвларга сотманг.
Руҳимни қақшатиб, ғафлатда қотманг,
Кимсасиз саҳрони қўмсар бу кўнгил.



БАҲОР БЎЛАЙ

Куч-қудратда Амир Темур наслиман,
Жўшқинликда дарёларнинг аслиман.
Шеърятда Моҳларойим байтиман,
Ким бўлсам ҳам, ҳар дилда баҳор бўлай.

Юзни ювса кўзда армонли ёшлар,
Жангларда кесилса саноқсиз бошлар,
Тугаб борар ғам-андухдан бардошлар,
Не бўлса ҳам, ҳар дилда баҳор бўлай.

Ишқдан куйлар бўлса машҳур ҳофиз ҳам,
Уни севар бўлса пари наргиз ҳам,
Уларни тарк этмас нечун ҳаргиз ғам?
Не бўлса ҳам, ҳар дилда баҳор бўлай.





ҚҰМСАШ

Ёшликнинг соғинчи мени йиғлатар,
Армоним ғуссаси эзади бадтар.
Вақт деган аждарҳо умримни ютар,
Ёшлик кўчаларин қўмсайди кўнгил.

Бошимга ёғилса маломат тоши,
Юзимни ювганда армон кўз ёши.
Уфққа бош қўйса ишқим қуёши,
Ёшлик кўчаларин қўмсайди кўнгил.





ОТАЖОНИМ

Отам, сизга шоҳ саройин қуролмасам,
Чақирсангиз лаббай дея туролмасам,
Пойингизни кўзларимга суртолмасам,
Фарзанд бўлиб нима қилдим, отажоним?

Сизга эмас, ўзгаларга ғазал битсам,
Сизни ташлаб бу дунёдан ўтиб кетсам,
Юзингизни шувут қилиб бахтга етсам,
Фарзанд бўлиб нима қилдим, отажоним?

Юрсам ўзга юртлар аро дайдиб сарсон,
Устингиздан кулиб, тепиб ўтса нодон,
Бўлолмасам бошингизга бир дам қалқон,
Фарзанд бўлиб нима қилдим, отажоним?



ШОИРЛИК БАХТИ

Бу шеър шоирин менадан сўраманг,
Азизлар, бас, мени гулга ўраманг.
Ахир шеърни битган сизнинг ўзингиз,
Дилда қолиб кетган айтмас сўзингиз.
Яна мени қийнаб сўрайсиз мудом,
Дардларинг бунча кўп, бўлмасми тамом?!
Булар менинг эмас, элим дардлари,
Дилда мунглиғ қотган минг йил гардлари.
Дейсиз нечун бахтни куйлайсан ҳар он,
Шеърни кўй, мол-мулк йиғ, ўтмоқда замон...
Эй, дўст, шоирликни осон билмангиз,
Билиб туриб шоир кўнглин тилмангиз.
Сизни дея шоир битмоқда асар,
Шоирнинг шеъри-ла диллар мунаввар.



БАҲОР

Юзимни сийпалар тонгги шабада,
Юрак туғенидан туғилар шеърим.
Дил сўзим баҳорга мангу бахшида,
Кўзимда ўт бўлиб порлайди меҳрим.

Баҳор қувончидан юракда илҳом,
Жўшқин назм дарёсин тоширар такрор.
Зимистон губорин ювиб тонгу шом,
Юртим боғларини безайди баҳор.

Қайноқ ишқ боғин ҳам безат, баҳорим,
Ташрифинг завқидан кўнгил бахтиёр.
Ҳайрат дарёсини сипқор, наҳорим,
Юракка шеър ишқи бўлсин мангу ёр!





АРМОН

Армон тошқинидан йиғлайди олам,
Беармон яшамас Ҳазрати одам.
Бириси онам дер, бириси болам,
Беомон йиғлатар инсонни армон.

Тақдир гоҳ зимистон, гоҳи пурзиё,
Ҳаёт лаззатига айлагай ошно.
Орзую армондан қургайдир бино,
Армон тошларидан эзилган инсон.





ЁШЛИГИМ

Қалбларни ўйнатиб титроққа солган,
Қайноқ руҳ тугёни хаёлим олган.
Илк ишқий мактубим қулимда қолган,
Беғубор, бетакрор, кўркам ёшлигим.

Етмишдан ошганда бобом, момом ҳам
Ёшлигин эслайди кўзларида нам.
Ёшлик соғинчлари кўнгилга малҳам,
Дилдаги аламим, нолам ёшлигим.

Оҳ, ёшлик дамларим бунчалар гўзал,
Ҳар лаҳза гўёки баҳорий асал.
Борлигим самога битади ғазал,
Ҳаёт баҳоримсан, эрка ёшлигим.



ҲАЙРАТ

Ижодкор Ҳулкар Ҳамидовага

Тўлин ой нуридай қалби чароғон,
Ашъорлар айтмоққа тиллари бийрон.
Ва лекин кўзида йиллар армони,
Билмадим, не эзур бу дард дармони.
Гоҳида қалбидан пинҳона ҳижрон
Ёгилар мисоли ёмғиру бўрон.
Армонли умридан нолимайди ҳеч,
Ўзин бахтиёр дер бугун, эрта, кеч.
Англадим, шам мисол парвонаси кўп,
Балки ишқ йўлида девонаси кўп.
Не бўлса бахтидан кошона қурсин,
Кошона кўшида давронин сурсин!



ЁР ҶАЖРИ

Бугун сени дунёлардан изладим,
Эртактаги рўёлардан изладим.
Тополмайин, ўз йўлимда бўзладим,
Қайлардасан, садо бергин, севгилим?!

Ишқни дединг қиёси йўқ бир малак,
Ваҳки, малак бугун бўлди жонҳалак.
Ишон, фақат мангу менга сен керак!
Қайлардасан, садо бергин, севгилим?!

Гар келмасанг, севгимга зор бўласан,
Чин маъшуқанг тополмайин хор бўласан.
Оқибатда ишқ қушига дор бўласан.
Қайлардасан, садо бергин, севгилим?!





ҶИШЛОҒИМ

Минг йиллик тарихни битиб келасан,
Ҳар баҳор лоласин бахт деб терасан.
Заминни гуллатиб, кўкрак керасан,
Тарифинг тилларда дoston, қишлоғим.

Тупроғинг кўзимга тўтиё қуёш,
Меҳрингдан самога етгай мағрур бош.
Тарихинг қасрида умрим битта тош,
Тарифинг тилимда дoston, қишлоғим.





РОЗИМАН

Майлига, бошимга сиртмоқ солсинлар,
Мен сотган дўстларим мени сотсинлар.
Бахтимга қасд билан тошлар отсинлар,
Не бўлса, розиман, севгилим учун!

Соғинган чоғимда ошкор айламай,
Ичурман ишқ учун тутсалар ҳам май.
Ўксик дилим доим чорасиз бир най...
Не бўлса, розиман, севгилим учун!



ҚАДРЛАНГ

Ёрим, мени не кўйларга соласиз,
Кетгандан сўнг изим излаб қоласиз.
Тополмайин сарсонлиқда толасиз,
Боримда қадрланг мени, азизим.

Тобутим бошида қилмангиз фарёд,
Қисматим ёмонлаб солаверманг дод.
Билинги, хиёнат жонимга жаллод,
Боримда қадрланг мени, азизим.

Сизни тутар охир менинг уволим,
Рашк дастидан ёшга кўзим лиммо-лим.
Алам бирла ёнаётир пок кўнглим,
Боримда қадрланг мени, азизим!





ОҶИБАТ

Бошимга гавғолар солди бўҳтонлар,
Ўлар чоғим шодон ўйнар нодонлар.
Бир-бирининг бошин еяр ёмонлар,
Оқибат, виждонни қайдан излайин?!

Кам дейсизми онасидан кечганлар,
Одам бўлиб одам қонун ичганлар.
Ғам-аламдан шам мисоли ўчганлар...
Оқибат, виждонни қайдан излайин?!

Яхшига тегмасин аччиқ сўзларим,
Ростин сўзлаётир қаро кўзларим.
Ёлғондан қизармас баъзан юзларим...
Оқибат, виждонни қайдан излайин?!



УМР ДАРЁСИ

Умр деган дарё бизларни

Ўз қаърига чорлайверар.

Содда ёшлик олислардан

Тикилганча қолаверар.

Гоҳ кулдиран, гоҳ йиғлатар

Ҳаёт деган шум хилқат.

Таъқиб қилар минг бир сўроқ,

Жавоб излар гунг қисмат.

Ойлар ўтар, йиллар ўтар

Етиб келсанг қирғоққа.

Топилади минг бир жавоб

Ҳатто қийин сўроққа...



БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛ!

Укам Фозилжонга

Лабинг устидан қалдирғоч майса терибди,
Қаддинг бугун йигитман деб кўкрак керибди.
Худойим менга шундай жигар берибди,
Бахтимизга омон бўлгин, укам Фозилжон!

Ойга боқсанг, ой ҳам ошиқ қаро кўзингга,
Маъносидан шеърлар битгум айтар сўзингга,
Асло ғубор қўнмасин-ей гулдек юзингга,
Бахтимизга омон бўлгин, укам Фозилжон!

Сен юртим сарҳадларин қўриқловчи ўғлонсан,
Ота-онам юрагининг ҳам қони, ҳам жонисан,
Унутма ҳеч ота-она, азиз Ватан қалқонисан,
Бахтимизга омон бўлгин, укам Фозилжон!

Бахт эшигин ўзинг оч, ўзгадан кутма мадад,
Бахтсиз онда бахтни кутиб, қила бил тоқат,
Дилинг аҳли жаҳонга бўлсин олий бир хилқат,
Бахтимизга омон бўлгин, укам Фозилжон!

СЎНГГИ СЎЗИМ

Ким билар, балки бу энг сўнги шеърим...
Азизлар, сипқоринг дилдаги меҳрим.
Худо билар, эртага йўқман эҳтимол,
Меҳнатдан топганнинг егани ҳалол...
Айрилиқ йўлида тўкаверманг ёш,
Тақдир зарбасига бергайман бардош.
Сизларга сўнги бор дегум: "Алвидо!"
Ўлсам самолардан берурман садо.



КЎП ҲАЛИ

Шу эканда бору баёни деманг,
Айтолмаган сиру аёни деманг.
Гоҳ ачиниб менга, ғамимни еманг,
Кўп ҳали элимга шеърда айтарим.

Битар шеърим юракни эзиб кетсин,
Нидоси кенг жаҳонни кезиб кетсин.
Диллардан армон уйин бузиб кетсин,
Кўп ҳали элимга шеърда айтарим.

Дунёни тарк этсам, қолгайдир шеърим,
Чексиз эрур дилда халқимга меҳрим.
Меҳнатдан тўкилди пешона терим,
Кўп ҳали элимга шеърда айтарим.

Юртим китобимдан тўлиб кетади,
Шеърим бир кун оламини забт этади.
Қалбим охир бахт кўшкига етади,
Кўп ҳали элимга шеърда айтарим.





МУНДАРИЖА

Шеърият дунёсига йўл.....	2
Орзуларим.....	3
Юрак.....	4
Қалб кўзи.....	5
Тақдирим.....	6
Ошиқона хаёл.....	7
Онажонгинам.....	8
Ҳаёт йўллари.....	9
Истак.....	10
Дард.....	11
Бу кўнгил.....	12
Баҳор бўлай.....	13
Кўмсаш.....	14
Отажоним.....	15
Шоирлик бахти.....	16
Баҳор.....	17
Армон.....	18
Ёшлигим.....	19





Ҳайрат.....	20
Ёр ҳажри.....	21
Қишлоғим.....	22
Розиман.....	23
Қадрланг.....	24
Оқибат.....	25
Умр дарёси.....	26
Бахтимизга омон бўл!.....	27
Сўнги сўзим.....	28
Кўп ҳали.....	29






Хуршида ШУҲРАТ қизи

ОРЗУЛАРИМ ЧЕЧАГИ

(Шеърлар)

Мухаррир —	Бахшулла РАЖАБ
Техник муҳаррир—	Ў.ИБОДУЛЛАЕВ
Мусахҳих —	Ҳ.ҲАМИДОВА.
Компьютер	
дастурчиси—	Н.МАВЛОНОВ.
Мусаввир —	Илёс ТОШЕВ.



Босмахонага берилди 29.XI.05. Босишга рухсат этилди 9.12.2005. Бичими 70x90, 1/32. Газета қоғози. 500 нусхада чоп этилди. Буюртма № 2752.

"Бухоро" нашриёти, Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй. Бухоро вилояти босмахонаси компьютер марказида нашрга тайёрланди ва шу босмахонада чоп этилди. Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй.

